

**Кувончбек САЛИМОВ**

**ЮКСАКЛАРГА  
БОҚ**

Шеърлар

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2006

4(59) 6-5 Узб. адабий 222б  
—Шеърлар


**Ватан ва Иймон тушунчаларига эгиз бўлган Шеърият замиридаги олий эътиқод ҳисси уммонлар қаърига пинҳон яширинган жавоҳирга ўхшайди. Қувончбек Салимов қаламидан тўкилган мисралар айнан ана шу олий тушунчалар ва олий Муҳаббат ҳақида.**

**Ўйлаймизки, қўлингиздаги ушбу мўъжазгина китобга киритилган шеърлар Сизни бефарқ қолдирмайди.**

4032341  
091

С 4702620202-15 15-2006 Қ. Салимов, 2006 й.  
376(04)2006

ISBN 5-7323-0509-9



## ВАТАН ЁДИ БИЛАН

Сен қайга бормагин, қайда бўлмагин,  
Ватан ёди билан яшагин, инсон.  
Ватанда муродга етгайсан бешак,  
Дилингда қолмагай заррача армон.

Ватан чинорларин силаб ўтгин сен,  
Юртнинг тинчлигини тилаб ўтгин сен.  
Йўлингда гадолар қўл чўзиб турса,  
Худонинг қарзини тўлаб ўтгин сен.

Ватан соғинчини дилингда туйсанг,  
Унинг остонасин ўпиб ўтгин сен.  
Дард тўла оғриқли кучоқларини  
Меҳр оташида иситиб ўтгин сен.

Ватан отам дегин, Ватан онам де,  
Ватан дилда қувонч, кўзда жолам де.  
Ватан сочимдаги оппоқ толам де,  
Бир умр юракда ўчмас нолам де.

## ОЛЛОҲДАН БЎЛАК

Дўстим деб сира айтма, сотиб кетарлар,  
Дилингга наштарлар отиб кетарлар.  
Совуқдан совуқ сўз қотиб кетарлар,  
Ўзгага ишонма Оллоҳдан бўлак.

Омадинг келганда осмонсан дерлар,  
Биз сени соянгмиз, посбонсан дерлар.  
Толе юзин бурса бошқа томонга,  
Шаксиз, сени ҳам шу томон дерлар.

Кўлингдан кетса гар молу давлатинг,  
Эгилиб қолгудек бўлса савлатинг,  
Бировга ўтмаса хитоб, даъватинг,  
Сен ўзинг гўлу нодонсан дерлар.

Ноҳақ тухматлардан озорланса дил,  
Дўстим, ортгинангга бир бор назар қил.  
Пайт келса, жигаринг дўст бўлмайди, бил,  
Ўзгага ишонма Оллоҳдан бўлак.

## ОНАНИ АРДОҚЛА

Онани ардоқла, бошингга кўтар,  
Қабарган қўлларин кўзларингга сурт,  
Она бор - дилимиз равшан, мунаввар,  
Оналар меҳри-ла осойишта юрт.

Онани ардоқла, бошингга кўтар,  
Қанот бўл қанотсиз тилакларига.  
Йиқилса суянч бўл, дардқаш, ҳамроҳ бўл,  
Мадор бўл, қувват бўл билакларига.

Онани ардоқла, давлатим дегин,  
Кўкларга бўй чўзган савлатим дегин.  
Шодон кунларимда шод бўлиб юрган,  
Сўнгсиз ифтихорим, кудратим дегин.

Онани ардоқла, пойига эг бош,  
Сўзсиз бажо қилгин тилакларини.  
Бағрингда асрагин, гавҳарим дегин,  
Минг бир бўлақдаги юракларини.

## АЁЛГА ҚАСИДА

Таъриф айламакка тилларим ожиз,  
Беҳишту жаннатлар пойингиздадир.  
Битта сўзингизга жоним садаға,  
Эзгулик жисму жонингиздадир.

Сиз чалиб ўтгансиз муҳаббат куйин,  
Жон олиб, дилларни жонсарак этиб.  
Нозик елкангизда дунёни тутиб,  
Ибо-ю малоҳат қонингиздадир.

Сизсиз чаманларда булбул интизор,  
Малак рухсорингиз кўрмоқликка зор.  
Сиз ўша бокира, сиз ўша дилдор,  
Райҳону жамбиллар ёнингиздадир.

Доим бизга мадад, номус-ор бўлинг,  
Ҳамиша соябон, ифтихор бўлинг.  
Гуркираб яшнаган чаманзор бўлинг,  
Меҳр қуёши осмонингиздадир.

## ЁШЛИК ҚЎШИҒИ

Оппоқ тонг мисоли орзуларим бор,  
Мунаввар қуёшдек умидлар бисёр.  
Покиза дилларга қўнмасин ғубор,  
Сўнмасин ёшлиқда барқ урган гулзор.

Ёшлиқда қўлларда гулдаста бўлсин,  
Юраклар юракка пайваста бўлсин.  
Оташ муҳаббатдан дил хаста бўлсин,  
Ва лек юракларда армон бўлмасин.

Йиллар ўтсин, чўғлар аланга олсин,  
Ҳамма эзгуликнинг куйида ёнсин.  
Чехралар тўқнашиб юраклар қонсин,  
Лек ширин хаёллар рўё бўлмасин.

## ЮКСАКЛАРГА БОҚ

Эй, дўстим, дунёга мағрурона боқ,  
Рўёга боқмагин, ҳақиқатга боқ.  
Ҳақиқат эгилар ва лек синмагай,  
Қоронғу зулматмас, оппоқ тонгга боқ.  
Агар самимият бўлса қалбингда,  
Дилингда жўш урса баҳорий ҳислар,  
Агар ҳис этолсанг бахтни, омадни,  
Сен уни ҳамиша ўзингдан изла.  
Дунё кўзларингга тор бўлиб кетса,  
Агар ололмасанг ҳаётдан сабоқ,  
Дейдилар халқда бир ажиб нақл бор:  
Ғар замон боқмаса, сен замонга боқ.  
Виждонинг пок бўлса, имонинг-чи бут,  
Қорани қора де ҳамда оқни оқ.  
Асло парво қилма фисқу фасодга,  
Бошингни тик тутиб юксакларга боқ.

## ЮРАГИМНИ ЎРАБ БЕРАМАН

Сизнинг битта нозларингизга,  
Ишқдан масрур созларингизга,  
Араз эмас, нозларингизга  
Юрагимни ўраб бераман.

Гар бўлсангиз самимий кўнгил,  
Гулбоғимда очилган бир гул,  
Айтиб кетинг, айтинг рози дил,  
Тундан бир висол сўраб бераман.

Бўлсак иккимиз магарки бир жуфт,  
Муҳаббатим неъмат биламан.  
Шундай бахтни – бекам, бетугал  
Оллоҳдан мен тилаб бераман.

## ҚЎРҚАМАН

Қўрқаман сукунат ичида ёлғиз,  
Барглар шитиридан, турли шарпадан.  
Ўзим ўзим билан қолганда ёлғиз,  
Қўрқаман юракка санчилган оҳдан.

Қўрқаман қайғуга ботган кунлардан,  
Юлдузсиз зимистон қора тунлардан.  
Қўрқаман келгувчи ноҳақ тухматдан,  
Қаддимни букувчи ғаму кулфатдан.

Қирдаги алвон ранг лола мисоли  
Титраб тўкилмоқдан қўрқаман гоҳи.  
Қўрқаман бетайин сўз қотмоқликдан,  
Иймон-эътиқодни йўқотмоқликдан.

## ЮРГИЛ ЙИРОҚЛАРГА

Юргил, йироқларга кетайлик, дўстим,  
Бизларни безовта қилмасин ҳеч ким.  
Сўнгсиз кенгликларга ястаниб ётган,  
Яшил ўтлоқларга етайлик, дўстим.

Баҳор боғларидан эсган шаббода  
Олиб келармикан орзуларимиз.  
Ёки кузнинг маъюс хазонларида  
Қолиб кетармикан орзуларимиз.

Юргил, юксакларга кетайлик, дўстим,  
Бизларни безовта қилмасин ҳеч ким.  
Мовий самоларда тўлғаниб ётган  
Оппоқ булутларни тутайлик, дўстим,  
Юргил, йироқларга кетайлик, дўстим.

## ТЕНГДОШЛАРИМГА

Бугун сиз ғолибсиз, музаффардирсиз,  
Кўлларда ҳилпирар зафар байроғи.  
Дилларда беадад чексиз ҳаяжон,  
Қалбларда шодликнинг йўқдир адоғи.

Бугун сизникидир ғалаба, шараф,  
Бугун сизникидир олқишлар бари.  
Кўнгилдан андуҳлар, аламлар нари,  
Қадам ташлагайсиз нурли йўл сари.

## ЙИҒЛАДИМ...

Бугун ачкиқ-ачқиқ йиғладим,  
Вайрон бўлди кўнгил гулзори.  
Юрагимни ўйдим, тигладим,  
Етмасмиди шунча озоринг.  
Бугун ачкиқ-ачқиқ йиғладим,  
Нураб борар умрим девори.  
Сенсиз қандай яшашим мумкин,  
Сўниб борар дил шамчироғи,  
Нега мени тарк этдинг, дилбар.

## ЎТИНЧ

Хатларимни бўронларга сочиб ташланг,  
Ўзгаларнинг пойларига тўкилмасин.  
Социб ташланг шамолларга, сочиб ташланг,  
Нимта-нимта дил сўзларим ўкинмасин.

Сирдош дедим, сирдошгинам бўлмадингиз,  
Дилдош дедим, дилгинамни билмадингиз.  
Жамолингиз кўкдаги моҳга менгзадим,  
Сиз тунлари моҳим бўлиб тўлмадингиз.

Хатларимни хазонларга ташламангиз,  
Шамолларда титраб-титраб тўкилмасин.  
Байтларимни армонларга юкламангиз,  
Ўзга бир дил оғушига бекинмасин.

Хатларимни дарёларга ташлаб кетинг,  
Тўлиб-тўлиб жилғаларга жон берсин.  
Бошлаб кетинг девонавор бу дилимни,  
Бошлаб кетинг, кўзда ёшларим тинсин.

## ДУНЁ БОЛАЛАРИ

Дуо қилинг, кўзларида ғам бўлмасин,  
Шодлик беринг мурғак дилда ғам бўлмасин,  
Мағрур бўлсин, бошлари ҳеч ҳам бўлмасин,  
Кувнаб юрсин бу дунёнинг болалари.  
Замин гулзор, улар гулу лолалари,  
Ҳеч бир инсон эшитмасин нолаларин.  
Оналарнинг қалби, юрак поралари,  
Чопқиллашиб юрсин дунё болалари.  
Бола кулса – қуёш кулар, олам кулар,  
Эзгуликни истаган ҳар бир одам кулар.  
Бобом кулар, момом кулар, онам кулар,  
Бағри бутун бўлсин дунё болаларин.

## МУНДАРИЖА

Ватан ёди билан.....	3
Оллоҳдан бўлак.....	4
Онани ардоқла.....	5
Аёлга қасида.....	6
Ёшлик қўшиғи.....	7
Юксакларга боқ.....	8
Юрагимни ўраб бераман.....	9
Кўрқаман.....	10
Юргил йироқларга.....	11
Тенгдошларимга.....	12
Йиғладим.....	12
Ўтинч.....	13
Дунё болалари.....	14

## АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Кувончбек САЛИМОВ

ЮКСАКЛАРГА БОҚ

Шеърлар

Ўзбек тилида

Муҳаррир: Ш.Пирматова.  
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.  
Мусахҳиҳ: Ш.Пирматова.

ИБ1016

Теришга 11.04.2006 йилда берилди. Босишга 15.04.2006 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{32}$ . Шартли босма табағи 0,47. Шартли бўёқ-отт 9,53. Нашр босма табағи 0,39. 16-2006-шартнома. 14-буюртма. 100 нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси «Матбаа» цехида чоп этилди.

730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.